

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АБДУАЗИЗОВ НАБИЖОН АЗАМАТОВИЧ

**ГИДРАВЛИК ТИЗИМЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ АСОСИДА КАРЬЕР
ГИДРАВЛИК ЭКСКАВАТОРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Олмалик – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Абдуазизов Набижон Азаматович

Гидравлик тизимларини оптималлаштириш асосида карьер гидравлик
экскаваторларининг самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб
чиқиш..... 3

Абдуазизов Набижон Азаматович

Разработка методов повышения эффективности карьерных
гидрофицированных экскаваторов на основе оптимизации их
гидравлических систем 29

Abduazizov Nabijon Azamatovich

Development of methods for improving the efficiency of quarry hydraulic
excavators based on optimization of their hydraulic systems..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСиС»НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

АБДУАЗИЗОВ НАБИЖОН АЗАМатович

**ГИДРАВЛИК ТИЗИМЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ АСОСИДА КАРЬЕР
ГИДРАВЛИК ЭКСКАВАТОРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.16 – Кончилик машиналари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Олмалиқ – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.DSc/T221. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.misis.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Тошов Жавохир Буриевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Рахутин Максим Григорьевич**
техника фанлари доктори, профессор

Столповских Иван Никитович
техника фанлари доктори, профессор

Хужаев Исматулла Кушаевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **«Олмалиқ КМК» АЖ**


Диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.T.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 16 октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: afnitumisis@mail.ru.


Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20001-Д-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2020 йил 29 сентябр куни тарқатилди.
(2020 йил 29 сентябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси)



**Ф.Я.Умаров**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Ғ.С.Нутфуллаев**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ю.Д. Норов**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кон ишларини очик усулда олиб боришни жадал ривожлантириш гидравликлашган кон машиналарининг мавжуд моделларини гидравлик тизимларининг самарали ва узлуксиз ишлаши билан боғлиқ муаммоларни кўпайишига олиб келади. Корхоналарда қазиб олиш ва юклаш ишларининг кўпайишига олиб келади. Корхоналарда қазиб олиш ва юклаш ускуналари гидравлик тизимининг носозлик даражаси бугунги кунда юқори кўрсаткичларга етмоқда. Кон машиналарида гидравлика тизимининг технологик ишончилигини ошириш усулларида бири бу носозлик сабабини ва профилактик таъмирлашни аниқлашдир.

Бугунги кунда дунёда гидравлик ускуналар ишчи механизмларининг эскиришига таъсир қиладиган ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим рол ўйнайди. Қизилқум ҳудудида гидравликлашган технологик ускуналарни юқори фойдали иш коэффиценти билан максимал ишлашига ишчи суюқлик эксплуатацияси самарали тизимини қўллаш ҳисобига эришиш мумкин, бу эса ускуналарнинг гидравлик тизимини минимал харажатлар билан максимал ишлашига имкон беради.

Республикада тоғ-кон саноатига, хусусан фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олишга кон машиналари самарадорлигини оширишда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан гидравлик тизимларни оптималлаштириш асосида карьер гидравлик экскаваторларининг самарадорлигини ошириш, гидравлик тизимларни ишчанлигини ошириш, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва табиий ресурсларни ишлаб чиқиш технологияларини қўллашга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш, тоғ-кон ва металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»¹ муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг эътиборга олган ҳолда гидравлик экскаваторлар ёрдамида очик конда қазиб олиш ҳажмини ошириш, очик конларни қазиб олиш учун ресурсларни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, қазиб олиш ва юклаш ишлари харажатларининг нархларини пасайтириш ва ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмини оширишга эришиш бўйича вазифаларни бажариш жуда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4124-сонли қарори.

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Гидравлик экскаваторлар унумдорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан Wolfson School of Manufacturing and Mechanical Engineering, School of Civil and Building Engineering ва Loughborough University (Буюк британия), «Bosch Rexroth AG» (Германия), «Parker Hannifin Hydraulic Filtration (США)», University of Antwerp RUCА (Бельгия), ЗАО «Могормаш», А.А.Скочинский номидаги КИИ ва «АРГИС-Холдинг», AGA Group, Inc. Компанияларида, Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС» (Россия Федерацияси) и Навоий давлат кончилик институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Гидравлик экскаваторларининг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий, тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: гидравлик суюқликларни ифлосланишини олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган (Wolfson School of Manufacturing and Mechanical Engineering, School of Civil and Building Engineering Loughborough University), гидравлик суюқликларнинг ифлосланишини назорат қилиш натижасида кон гидравлик экскаватори гидравлик тизимининг унумдорлиги ошириш ҳамда гидротехник ускуналарни таъмирлаш ва гидравлик суюқликларни фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (Parker Hannifin Hydraulic Filtration), гидравлик тизимларини оптималлаштириш асосида карьер гидравлик экскаваторларининг самарадорлигини ошириш технологияси ишлаб чиқилган (Bosch Rexroth AG), гидравлик экскаваторларда ишлайдиган ускуналар юқларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган ва экскаваторларнинг технологик имкониятлари яратилган (АРГИС-Холдинг, ЗАО «Могормаш»), юқори қувватли гидравлик экскаваторлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (University of Antwerp RUCА ва Россия фанлар академиясининг Узоқ шарқ бўлими, Юқори технологиялар университети) ва гидравликлашган экскаваторларнинг гидравлик тизимларида ишчи суюқлик қовишқоқлиги ва температурасини ушлаб туриш усуллари ишлаб чиқилган (Навоий давлат кончилик институти).

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amozon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: экскаваторларнинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш; экскаваторларнинг гидравлик тизимига хизмат кўрсатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш; кон ускуналари гидравлик тизими элементларининг ишончлилигини ошириш; капитал харажатларнинг камайиши ва кон гидравлик экскаваторлари ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Башта Т.М., Барышев В.И., Берман В.М., Бреннер В.А., Бродский Г.С., Кантович Л.И., Коваль П.В., Ковалевский В.Ф., Коваленко В.П., Красников Ю.Д., Пастоев И.Л., Подерни Р.Ю., Рахутин Г.С., Рокшевский В.А., Скрицкий В.Я., Солод Г.И., Столповских И.Н., Тошов Ж.Б., Финкельштейн З.Л., Хужаев И.К., Akira Tsutsui, Dr. Etsujiro Imanishi, Felix Nga, Jacqueline Glass, Jennifer A. Hardinga, Lei Ge, Long Quan, Milos Vukovic, Roland Leifeld, Takao Nanjo ва бошқалар каби олимлар кон машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини ишончлилигини таъминлаш ва такомиллаштириш бўйича фан ва амалиётни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар гидравлик кон машиналарининг ишлашини такомиллаштиришда ва ишлаш самарадорлигини оширишда муҳим ютуқларга эришган.

Бирок, ҳозирги кунгача гидравлика тизимларининг ишлашини оптималлаштириш асосида карьер экскаваторларининг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш тўлиқ амалга оширилмаган. Кон ускуналари, хусусан, карьер экскаваторлари гидравлик тизимларининг ишончлилиги ва самарадорлигига катта эътибор берилиши керак. Шу муносабат билан, кон ускуналари гидравлика тизимларининг самарадорлигини оширадиган усуллар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш кон-металлургия саноати учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида «Карьер гидравлик экскаваторларининг конструктив параметрлар тадқиқоти ва гидравлик тизим ҳимоя қурилмаларини такомиллаштириш» (2017-2018 й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидравлик тизимларнинг ишчи суюқлигининг ифлосланишини камайтириш орқали турли климатик шароитларда юқори ишончлиликни таъминловчи карьер гидравлик экскаваторларининг самарадорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

агрегатлар ишончлилиги ва мустаҳкамлигига ишчи суюқлик ифлосланишининг таъсири ҳамда карьер гидравликлашган экскаваторларининг гидравлик тизимларига таъсирини ўрганиш;

гидравлик тизимлар эксплуатациясининг маълум бир шароитида мақбул ифлосланиш кўрсаткичларини ва гидравлик суюқлик тозалигининг оптимал даражасини аниқлаш;

кон ускуналари гидравлик суюқлик намунасини тайёрлаш учун спектрал таҳлилни ўлчаш услубини ишлаб чиқиш;

карьер гидравликлашган экскаваторларининг гидравлик тизимининг гидробакига етказиб бериладиган ҳавони филтрлаш тизимини такомиллаштириш;

гидроцилиндрнинг штоки учун гидравлик экскаваторларнинг ифлосланишига қарши ҳимоя ҳалқасини ишлаб чиқиш;

карьер гидравликлашган экскаваторлари аксиал поршенли насосини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Навой кон-металлургия комбинатининг Даугкзтау карьеридида қўлланиладиган гидравликлашган экскаваторлар ва қазиш-юклаш ишлари жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – гидравликлашган экскаваторларнинг гидравлик тизимлари ва уларнинг ишчи суюқликлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда стендли ва экспериментал ишлаб чиқариш тадқиқотлари, математик моделлаштириш, моделларнинг аналитик тадқиқотлари, амалий тажриба таҳлили ва умумлаштиришлари билан бирга тадқиқотларнинг комплекс усуллари қўлланилган. Экспериментал тадқиқотлар натижалари математик статистика ва стандарт математик ва график дастурлар ёрдамида қайта ишлаш тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишчи суюқлик ифлосланишининг агрегат ишончлилиги ва мустаҳкамлигига, шунингдек гидравлик карьер экскаваторларининг гидравликлашган тизимларига таъсири аниқланган;

гидравликлашган кон машиналарининг гидравлик суюқлигини тозалиги ифлосланиш ва рухсат этилган кўрсаткичларининг оптимал параметрлари ишлаб чиқилган;

гидравликлашган кон машиналарида гидравлик суюқликнинг ифлосланиши инфрақизил спектроскопик таҳлилининг ишончлилиги назарий жиҳатдан асосланган;

конструктив параметрларига қараб филтрлаш самарадорлигини аниқлашга имкон берадиган ҳаво филтридаги чангли ҳаво оқими ҳаракатининг математик модели ишлаб чиқилган;

зичлагични қўлланганда гидравлик цилиндр суюқлигининг хусусиятлари аниқланган ва унинг математик модели ишлаб чиқилган;

ҳаво филтридаги чанг заррачаларини ўз ичига олган ҳаво оқимининг ҳаракати илмий асосланган ва карьер экскаваторининг гидравлик тизими гидробаки ҳаво филтрининг ишлаб чиқилган конструкцияси самарадорлиги амалий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидравлик экскаваторнинг гидравлик цилиндрли штоки учун химоя мосламаси ишлаб чиқилган, бу ифлосланишни гидроцилиндрга тушишини химоя воситаси ишлаб чиқилган;

гидростатик башмакнинг синишини олдини олувчи аксиал поршенли насос плунжерининг принципиал янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

гидравлик суюқликнинг тозалигини сақлашга имкон берадиган карьер экскаваторининг гидравлик тизими гидробаки ҳаво фильтрининг самарали конструкцияси ишлаб чиқилган;

Экскаватор тўхталишларини олдини олувчи гидравликлашган карьер экскаваторининг аксиал поршенли насосини ишлашини яхшилаш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқилган;

карьер ускуналарининг гидравлик мойлари намунасининг спектрал таҳлилини ўлчашни бажариш усули ишлаб чиқилган, бу таҳлил қилиш учун кимёвий реагентлар сарф қилмасдан ва таҳлил қилинадиган материалларнинг минимал миқдори аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги махсус ишлаб чиқилган ва стандарт синов усулларидан, шунингдек назарий ҳолатларни текшириш учун мустақил экспериментал тадқиқотлар натижаларидан кенг фойдаланиш билан исботланган. Юқори аниқликдаги ўлчаш ва қайд қилиш ускуналари ёрдамида амалга оширилган назарий ҳисоб-китоблар натижаларининг лаборатория, стендли ва эксплуатацион синовлари билан мувофиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гидравликлашган карьер экскаваторларининг самарадорлигини уларнинг гидравлик тизимини оптималлаштириш асосида оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва ҳаво фильтридаги чангни ўз ичига олган ҳаво оқими ҳаракатининг математик моделини асослаш, бу экскаваторнинг конструктив параметрларига қараб фильтрлаш самарадорлигини аниқлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гидравлик мойлари намунасининг спектрал таҳлил қилиш услубини, карьер экскаваторининг гидравлик тизими гидробаки ҳаво фильтрининг самарали конструкциясини ва гидравликлашган карьер экскаваторининг аксиал поршенли насосини ишлашини яхшилаш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқиш ва насоснинг таъмирлаш ишларини камайтириш билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидравликлашган экскаваторларнинг самарадорлигини уларнинг гидравлик тизимини оптималлаштириш орқали ошириш бўйича олинган илмий натижалар:

кон экскаваторларининг гидравлик тизими гидробаки учун ҳаво фильтрининг янги конструкцияси «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси Шимолий бошқармасининг Даугызтау конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонасининг 2020 йил 01 июндаги 02-06-07/6105-сонли маълумотномаси). Натижада экскаватор гидравлик тизимининг эксплуатацион самарадорлигини 35-40%га

ошириш ва иш самарадорлиги кучайтириш, гидравлик тизимлар узелларининг ишчи юзасини ёйилиб кетишининг олдини олиш имконини берган;

ишлатиб бўлинган мойларнинг синов намунасини тайёрлаш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат конхонаси Шимолий бошқармасининг Даугызтау конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат конхонасининг 2020 йил 01 июндаги 02-06-07/6105-сонли маълумотномаси). Натижада ишлатилган мойнинг экспрессностини ошириш ва таҳлил қилиш учун кимёвий реактивларнинг харажатини ҳамда таҳлил қилинган материаллар миқдори камайтириш имконини берган;

гидравлик экскаваторларнинг аксиал поршенли насос плунжерининг янги конструкцияси «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат конхонаси Шимолий бошқармасининг Даугызтау конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат конхонасининг 2020 йил 01 июндаги 02-06-07/6105-сонли маълумотномаси). Натижада насос поршенларининг шикастланишини камайтириш, гидротехник насосларни таъмирлаш ишларини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш илмий нашрларида 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. ЭХМ учун компьютер дастурий маҳсулотига 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Гидравликлашган кон машиналарига хизмат кўрсатиш усулларини ривожлантиришда замонавий тенденциялар» деб номланган биринчи бобда гидравликлашган кон машиналарига хизмат кўрсатиш усулларининг таҳлили ўтказилган. Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг «Даугызтау» конида қазиб олиш ишлари давомида ишлаб

чиқариш жараёнларининг харажатлари ва гидравлик экскаваторларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари улуши келтирилган.

Ишончлиликнинг асосий кўрсаткичлари ва гидравлик экскаваторларнинг асосий қисмларининг ишдан чиқиши ўртача фоизи ўрганилди, ҳамда экскаваторларнинг электромеханик авария ҳолатининг статистик таҳлили ўтказилди ва улар томонидан бажариладиган ишнинг асосий кўрсаткичлари ўрганилган.

Кон машиналари гидравлика тизимларининг ишлашига салбий таъсир кўрсатадиган асосий омил бу ишчи суюқликлар ишлашининг пасайиши ҳисобланади. Гидравлик ишчи суюқликнинг иш қобилиятини пасайиши қуйидагиларга боғлиқ: жуда кўп чанг билан ишлаши; жуда паст ва атроф муҳитнинг ғайритабiiй паст ёки юқори ҳароратда ишлаши; самарасиз техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Таркибида кварц, кремний, темир оксиди ва бошқа заррачалари бўлган чанг билан тўйинган ҳавони ифлосланиши жуфтликда ишқаланишларни ейилишини тезлаштиради, ишчи суюқликни ифлослантиради, дроссел ва каналларни ёради, қопламаларнинг ялтирашини йўкотади, сиртларнинг коррозияга нисбатан сезгирлигини оширади.

Амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, гидравлик кон машиналарининг гидравлик тизимидаги носозликлари ва ишчи суюқликнинг ифлосланиши, унинг ҳаво ва иситиш билан тўйинганлиги сабабли содир бўлади. Гидравлика тизимидаги узилишлар таҳлили алоҳида узелларнинг иш қобилиятини йўқотиш сабабларини аниқлашга имкон беради. Масалан аксиал поршенли насослар ва гидравлик моторларнинг ишдан чиқиши, шарсимон юза ва шатунларнинг эгрилиги, поршенли тешикларнинг ейилганлиги.

Гидроцилиндрларда кенг тарқалган ейилишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: ички ва ён цилиндрли корпусни, қопқоқ қирралари, йўналтирилган зичлагич юзаси, плунжер ва поршенларнинг ташқи юзаси ва уларнинг бирикмалари. Машинанинг мустаҳкамлиги қисмлар сиртининг ишқаланиши ва ейилишига бевосита боғлиқлиги аниқланган.

Машинанинг мустаҳкамлиги буюмлар сиртларининг ишқаланиши ва емирилиши билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланган. Гидравлик тизимларни тадбиқ қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, барча носозликлар 30% атрофида регулятор, тақсимлагич ва жойини алмаштирувчи элементларнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ.

«Гидравлик ёғлар сифатининг гидравликлашган кон машиналарининг унумли ишлашига таъсир этишини тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобда кон машиналари узатмалари ва агрегатлар самарадорлиги ва ишончлигига ифлосланишнинг таъсирини тадқиқ қилишга бағишланган.


Ишончлиликнинг асосий хусусиятлари, саноат тозаллиги даражасига қараб, чидамлилик ва тўхтовсиз ишлаши бўлиб, биринчиси фақат мураккаб

механизм бўлган агрегатларга, иккинчиси тизимлар ва машиналарга тегишли ҳисобланади.

Карьер ускуналарининг гидравлик узатмаларини назорат остида ишлатиш шуни кўрсатдики, ишлатиладиган суюқликларнинг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган носозликлар улуши, жами носозликларнинг 69% ни ташкил этади, шу жумладан:

- 1) абразив, каттиқ зарра ёки бўлаклар, эрозия (емирилиш) натижасида ишдан чиқиш ва қисилиб қолиши туфайли юзага келган носозликлар – 59%;
- 2) тикилиб қолиш натижасидаги носозликлар – 14%;
- 3) сувланиш натижасида ейилишлар - 8,2%.

Карьер ускуналари сув тизимларида суюқликнинг ўртача ифлосланиши 14-15 синф каби қабул қилинади, шахта жиҳозлари учун эса - 16-17 синфлар қабул қилинади. Турли машиналарнинг гидравлик тизимларидаги ишловчи суюқликнинг ифлосланиши сабабли ишдан тўхтаб қолиш улуши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Турли машиналарнинг гидравлик тизимларидаги ишловчи суюқликнинг ифлосланиши сабабли ишдан чиқиш кўрсаткичи

Ишдан чиқишлар таркибининг ўзгариши билан, нозик ишқаланиш жуфтликларини ўз ичига олган гидромашиналар, агрегатлар ва бошқа узатма боғламларидаги носозликлар улуши сезиларли даражада камаяди. Бу ишончилиكنинг барча параметрларига, масалан техник тайёрлик коэффициентига ижобий таъсир этади, чунки айнан шундай носозликлар таъмирлашга кўп вақт сарфлашга ва шунга мос равишда, ускуналарнинг ишламай тўхтаб қолишига олиб келади.

Амалда, ифлосланишга сезгирликни аниқлаш вазифаси қуйидаги боғлиқлик туркумини кидириб топишга олиб келади:

$$P_a = k_{cs} * f(C_j), \text{ мкм}, \quad (1)$$

бу ерда P_a – ускунанинг критик характеристикаси; k_{cs} - ифлосланишга сезгирлик коэффициенти; $f(C_j)$ – j – ўлчамли гуруҳнинг ифлосланиш концентрациясининг алгебраик функцияси.


Бошқача қилиб айтганда, танқидий чиқиш характеристикаси минимал рухсат этилган қийматга (P_{aCR}) етиб борадиган вақтга, бошқача қилиб айтганда, манбанинг тўхтовсиз ишлаши ёки агрегатнинг манбаси ўртасидаги вақт қизиқтиради:

$$T_{af} = T(P_{aCR}), \text{ ч·мкм.} \quad (2)$$

Баъзан, критик хусусият тизим ёки машина элементи сифатида жиҳознинг функционал хусусиятлари билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин ва P_a сифатида, ифлосланиш таъсирида маҳсулот хусусиятлари таркибидаги ўзгаришларни акс эттирувчи ҳар қандай ўлчов параметрларидан фойдаланиш мумкин, масалан, деталларни ишдан чиқишининг абсолют (мутлоқ) қиймати. Бу сўзсиз, агрегатни ишлаб чиқарувчи нуктаи назаридан исбот қилинган. Аммо, лойиҳалаштирувчи ёки машина узатмасидан фойдаланувчи учун ушбу ёндашув қулай эканлигига ишониб бўлмайди, чунки бу механик бирикмаларнинг ишончилиги хусусиятларига таъсирини ва шунинг учун филтрлаш учун маблағ сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини бевосита баҳолашга имкон бермайди.

2-расмда дизель-гидравлик узатмали карьер экскаватори мисолида ишлатиш харажатлари низомининг тўлиқ бирлиги ва карьерларда машиналардан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичлари келтирилган.

Истеъмолчи учун минимал иш харажатлари мезони бўйича суюқлик тозалигини керакли даражада аниқлаш кон машинасига нисбатан ўзгармасдир. Мисол сифатида, карьер экскаваторини танлаш тегишли эксплуатацион маълумотларнинг мавжудлиги билан аниқланади.



2-расм. Гидравлик экскаваторнинг техник тайёрлик коэффициенти ISO 4406 суюқлигининг тозалыги синфига боғлиқлиги (5872 иш соати бўйича назорат остида бошқарилгандаги маълумотлар)

Иқтисодий жиҳатдан энг яхши тозалык синфи 15/13 ҳисобланади, аммо экскаватор ишлаб чиқарувчилари томонидан 17/15 ва 18/16 синфлари тавсия қилинганлиги аниқланган. Ишчи суюқликнинг мақбул тозалыгини таъминлаш


ушбу турдаги (15-20 м³ чўмичли экскаватор). Вақт ўтиши билан тозаликнинг мақбул даражаси яхшиланиши муҳимдир, бу фильтрлаш технологиялари соҳасида юқори натижаларга эришиш ва фильтрлаш учун самарали материаллар нархининг нисбатан пасайиши билан изоҳланади.

Ишлайдиган суюқликнинг ифлосланишини гидравликлашган карьер экскаваторларининг гидравлик тизимлари элементларининг ишончилиги ва мустаҳкамлигига таъсирини аниқлаш учун очиқ конлар экскаваторларининг гидравлик тизимлари элементларининг ҳолати ўрганилди ва ушбу тизимларда ишлайдиган суюқлик таҳлили ўтказилди.

Гидравлик мойларнинг сифатини гидравлик кон машиналарининг ишлашига таъсирини ўрганиш ишчи суюқликнинг ифлосланишини бирликларнинг ишончилиги ва чидамлилигига, шунингдек гидравликлашган карьер экскаваторларининг гидравлик тизимларининг ифлосланиш, абразивлик ва тозалигининг мақбул кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга имкон берди.

Ишлайдиган суюқликнинг гидравлика тизимлари элементларининг ишончилиги ва чидамлилигига таъсирини ўрганиш натижалари ифлосланган ишчи суюқликлар билан ишлайдиган карьер ускуналарининг гидравлика тизимлари бирликлари ва элементлари ишончли эмаслигини ва кўпинча бузилишлар туфайли ишдан чиқишини тасдиқлади.

Натижалар асосида гидравлика тизимлари элементларининг чидамлилиги ифлосланиш даражасига боғлиқлиги аниқланди (3-расм).



1—аксиал поршенли насос, 2—гидравлик тақсимлагич, 3—гидравлик цилиндр, 4—гидравлик мотор.


3-расм. Гидравлик агрегатларнинг узок муддат ишлай олиш қобилиятини ишчи суюқликдаги ифлосланиш миқдорига боғлиқлик графиги.

Кон машиналарининг гидравлик тизимларида гидравлик агрегатларнинг ишлаш муддати кўпгина омилларга боғлиқ, энг салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ишчи суюқликларнинг ифлосланиши ва абразивлигидир.

Экскаватор гидравлик агрегатларининг узоқ муддат ишлай олиш қобилияти ишчи суюқликнинг тозалиги синфига боғлиқлик графиги келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар ифлосланиш ва абразивликнинг рухсат этилган кўрсаткичларини, шунингдек, гидравликлашган карьер машиналарининг гидравлик суюқлиги тозалигининг мақбул даражасини аниқлаш имконини берди (4-расм).

Гидравлик мойлар сифатининг гидравликлашган кон машиналарининг иш қобилияти фаолиятига таъсир этишини тадқиқ қилиш ишчи суюқликнинг агрегатлар ишончилиги ва кўп йиллар хизмат қилиши яъни, чидамлилигига таъсирини аниқлашга, шунингдек, карьернинг гидравликлашган экскаваторлари гидравлика тизимларининг ифлосланиш, абразивлик ва гидравлик суюқликнинг энг мақбул тозалик кўрсаткичларига таъсирини аниқлашга имкон берди.



4-расм. Ишлайдиган суюқликнинг тозалиги синфига қараб экскаватор гидравлик агрегатларини узоқ муддат ишлай олиш қобилияти.

«Гидравликлашган кон машиналарининг ишчи суюқликларини ифлосланишини олдини олишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда Қизилқум ҳудудида қўлланиладиган гидравлик ускуналарнинг ишчи суюқлигининг физик-кимёвий таркиби тадқиқ қилинган, гидравлик мойнинг қаттиқ моддалар билан ифлосланишининг асосий сабаблари кўриб чиқилди, ишчи суюқликларнинг

ифлосланишини олдини олувчи самарали воситалар ишлаб чиқилган ва гидравлик насос конструкциялари тадқиқ қилинган.

Асл ва ишчи ҳолатлардаги Tellus-68, Tellus-46, Chilon-68, Chilon-46 гидравлик суюқликлари тадқиқ қилинди шунингдек, гидравлик суюқликларнинг физикавий хусусиятлари ўрганилди, натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ўрганилган намуналарнинг ИҚ-спектрлари JR Tracer – 100 Shimadzu инфракизил спектрометрида $4000 - 400 \text{ см}^{-1}$ диапазонда расмга туширилди.

Ишлатилиб бўлган жигар ранг гидравлик суюқликлар ишлатилгандан сўнг ифлосланиш туфайли тўқ жигар ранг ва тўқ рангли тус олади. Гидравлик суюқликларни ифлослаантирувчи моддалардан тозалаш учун турли хил органик эритувчиларнинг таъсири ўрганилди ва шу билан бирга гидравлик суюқликларнинг кинематик қайишқоқлиги, зичлиги ва гидравлик суюқликларнинг баъзи бир физикавий хусусиятлари аниқланди.

Гидравлик суюқликларнинг зичлиги 0,827 дан 0,880 г/мл гача ораликда ўзгариб турди ва ишлатилган суюқликлар қайишқоқлиги дастлабки ҳолатга қараганда пасайди.

1-жадвал

Ишлатилиб бўлган гидравлик суюқликларнинг физикавий хусусиятлари

№	Гидравлик суюқликлар мааркалари	Эритувчилар					Зичлиги, ρ , кг/м ³	Вақт, t, с	Ўпишқоқлиги, Па·с
		сув	Бутанол	Циклогексан	Ортаксиллол	Бензин			
1.	Chilon-46	НР	МР	МР	НР	Р	0,869	15,5	13,46
2.	Chilon-68	НР	МР	МР	НР	НР	0,874	16,2	14,16
3.	Chilon-68 (ўтказилган)	НР	МР	МР	НР	Р	0,827	12,5	10,34
4.	Tellus-46	НР	МР	МР	НР	Р	0,863	13,1	11,31
5.	Tellus-68	НР	МР	МР	НР	МР	0,865	18,0	15,57
6.	Tellus-46	НР	МР	МР	НР	Р	0,752	5,6	4,21
7.	Дастлабки гидравлик суюқлик	НР	МР	МР	НР	Р	0,880	20,5	18,04

Эслатма: НР – эримайди; МР – кам эрийди; Р – эрийди.


Металнинг қаттиқ заррачалари, зичликлар ва чанглар билан ифлосланиши гидравлик мойнинг кон машиналарининг гидравлик тизимларидаги носозликларнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири ҳисобланади. 3560 мото соат ишлаган Tellus-68 гидравлик мойининг ифлосланишининг микроскопик таҳлили 5-расмда кўрсатилган.

EDX-7000 (SHMADZU, Япония) қурилмасида кон-металлургия корхоналари машиналарининг гидравлик суюқликларини ярим миқдорли рентгенофлуоресцент таҳлилини ўтказиш учун такомиллаштирилган ҳолатда спектр таҳлили усули ишлаб чиқилди. Матрица таркиби сифатида ҳудуднинг

маълум бир тупроқ намунаси олинди ва лаборатория шароитида таҳлил ўтказилди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва ишлаб чиқилган услублар асосида кон-металлургия корхоналари машиналари гидравлик суюқликларининг спектрал таҳлилини ўлчаш асосида концентрацияни аниқлаш учун спектрал таҳлилнинг рентгенофлуоресцент усулини қўллаш имконияти аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган намунани тайёрлашнинг янги усули ишлаб чиқилди ва рентгенофлуоресцент усули ёрдамида ўтказилган кимёвий элементлар ва уларнинг матрица массасидаги концентрация таҳлиллари натижалари олинган.



5-расм. 3560 мотосоат ишлатилган Tellus-68, гидравлик мойини ифлосланишининг микроскопик таҳлили.

Шунингдек, тадқиқ қилинаётган намунани тайёрлаш учун янги усул ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, 100 г миқдорда тупроқ намунасини олиш, CNOL-24/200 маркали лаборатория қуриши шкафида 80⁰С ҳароратда 1 соат давомида, 0,074 мкм синфигача майдалаш, унга 100 г ишлатилиб бўлган мойни қўшиш, текис бир меъёردа тақсимланган маҳсулот ҳосил бўлгунга қадар аралаштириш ва спектрал таҳлилга юборишни ўз ичига олади.

Олиб борилган тадқиқотлар ва ишлаб чиқилган услублар асосида кон-металлургия корхоналари машиналари гидравлик суюқликларининг спектрал таҳлилини ўлчаш асосида SiO₂, Fe, Al, Ti, Mn, Sr, V, Ca, K, Cr, Zn, Cu, Zr ва бошқаларни концентрациясини аниқлаш учун спектрал таҳлилнинг рентгенофлуоресцент усулини қўллаш имконияти аниқланган.

Гидравлик суюқлик таснифи тузилган, гидравлик суюқлик таркибидаги асосий аниқланадиган қийматлар аниқланган, гидравлик суюқликнинг синов маълумотларини олиш усуллари ишлаб чиқилган, аниқ бирликни аниқлаш учун спектрал таҳлил усуллариининг имкониятлари батафсил баён қилинган ва ҳар бир объект учун мос бўлган гидравлик суюқликни таҳлил қилиш усуллариининг таснифи тузилган.

Ишчи суюқликнинг ифлосланишини гидравлик тизимнинг умумий ишига салбий таъсирини ўрганиш натижасида гидравлик тизим элементларининг самарали ишлаши кўп ҳолларда гидравлик ишчи суюқликнинг ҳолатига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ҳавода гидравлик суюқликларни очик идишларда ташиш пайтида, ёки суюқлик баклари тўлдирганда ифлосланади. Шунингдек, суюқлик баклари сапуни орқали, гидравлик тизимлар зич уланмаган жойлари орқали чанг ҳаво тушганда ифлосланиши мумкин.

Экскаваторнинг суюқлик баклари ишчи суюқликнинг ифлосланишини пасайтириш учун фойдаланиш шароитларига мос бўлган ҳаво фильтри қурилмасини такомиллаштириш зарурияти туғилади.

Фильтрлаш самарадорлигини ошириш учун сув идишини ҳаво фильтрининг янги самарали конструкцияси ишлаб чиқилган, бу нозик заррачаларни ушлаб туриш қобилияти туфайли ҳавони яхши фильтрлашга имкон беради. Фильтрнинг конструктив тузилиши б-расмда келтирилган.

Тавсия қилинган фильтр қуйидагича ишлайди: ифлосланган ҳаво 4 туйнук орқали фильтр ичига ўтади, пластинкасимон тўсиқлардан ўтади – 2, чанг аралашмали ҳаво мой қатламига урилиб - 7, 6 фильтрдан сўнг суюқлик бакига тушади.

Пластинкасимон лабиринт тўсиқлардан ўтаётганда ҳаводаги қаттиқ жисмлар чўқади, мой қатлам эса уни ўзида ушлаб қолади ва яна ҳаракат қилишига йўл бермайди. Пахта толали қоғоз фильтр - 6 ўта майда чанг заррачаларини ушлаб қолиш учун хизмат қилади.

Гидравлик цилиндрлардан фойдаланишда штокда ейилиш, тирналиш, емирилиш, эзилиш, ўйиқлар ва бошқа нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин.


Гидравлик цилиндрлар штоки деформацияси ишчи ҳудудда чанг, ҳар хил кимёвий моддаларнинг ҳосил бўлиши, экскаваторнинг доимий максимал

қувватда ишлаши, гидравлик ускуналар билан эътиборсиз муносабатда бўлиш сабабли юзага келиши мумкин.

Тизимнинг герметиклиги пастлиги сабабли ишчи суюқлик ҳам органик, ҳам ноорганик заррачалар билан ифлосланади.

Штокнинг зичланиши гидравлик тизимнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Резина маҳсулотларининг вазифаси гидравлик цилиндрда ёғларни ушлаб қолиш ва уни ташқи заррачалардан ҳимоя қилиш. Бу ҳолда зичловчи элементлар ҳар қандай ҳарорат ва босим диапазонида ўз мустаҳкамлигини сақлаб қолиши керак. Қистирилган буюмни ёки қопқоқни шикастланиши ёки ёрилиши ишчи суюқликни оқиб кетишига олиб келади.

Шток юзасидан сув цилиндри ичига чанг заррачаларини тушишини олдини олиш мақсадида гидроцилиндр штокига ўрнатиладиган махсус ҳимоя ҳалқасини қўллаш тавсия этилади.



1 – фильтр корпуси; 2 – пластинкасимон тўсиқлар; 3 – мой қуйиладиган туйнук; 4 – ҳаво кирадиган туйнук; 5 – қопқоқ; 6 – пахта қоғозли фильтр; 7 – мой ванна; 8 – сетка; 9 – трубка

6-расм. Ишлаб чиқилган ёғ қатламли сув идишининг ҳаво фильтри


7-расмда гидравлик цилиндр штоки ҳимоя ҳалқасининг таркибий қўриниши келтирилган, у таянч ҳалқаси, манжет ва ҳалқадан иборат.

Гидравлик цилиндрлари штокларининг зичловчи тугунларини намдан, чангдан ва турли ифлосланишлардан ҳимоялаш учун ҳимоя ҳалқалари қўланилади. Ҳимоя ҳалқалари - бу мойни тортиб олиш туфайли зичликка

таянадиган герметикликка асосланади. Гидравлик тақсимлагичлар ва клапанларнинг тиқилиб қолиши натижасида ҳимоя ҳалқасининг ейилиши тезлашади, бу эса гидравлик тизимни ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

Карьер экскаватори гидравлик тизимидаги ҳаво фильтри ичидаги чангли ҳаво оқимининг ҳаракати моделлаштирилди. Моделлаштириш жараёни илмий экспериментнинг асоси бўлиб, унинг мақсади карьер экскаватори гидравлик тизимининг филтрловчи элементларида чангли ҳаво оқими йўналишининг тасвирини ҳосил қилиш, уларни дифференциал тенгламалар шаклида математик ёндашув асосида ифода этиш, вақт ва координатанинг узлуксиз функциялари сифатида кинематик ва динамик тавсифини олишдир.

Механик ёки аэродинамик таъсирга учраган чангнинг дисперсион таркибининг математик аппарати учун иккинчи ва учинчи даражали уламанинг алоҳида бўлимларида тақсимлаш функциясининг локал аппроксимацияси қўлланилган. Саноатлашган пурковчи аэрозолларининг барқарор заррачалари сферик бўлмаган кўринишга эга. Нотўғри ҳолатдаги ҳаво ҳаракатида зарраларнинг аэродинамик алоқадорлик кучи ҳаракатсиз заррачаларнинг ҳаво ҳаракати билан аэродинамик алоқаси кучи уларнинг ўлчамига, турига, бўйлама оқим режимига боғлиқ бўлиб, шакл индекслари билан тавсифланади:



1 – таянч ҳалқаси; 2 – манжета; 3 – сиқувчи ҳалқа

7-расм. Гидроцилиндр штоки ҳимоя ҳалқасининг конструктив кўриниши

$$\Phi = K_M K_D, \text{ мм}, \quad (3)$$

Бу ерда, $K_M = 4S_{mp}/\pi\delta_M^2$, $K_D = C/C_D$, S_{mp} – заррачаларнинг кўндаланг йирик кесишиш майдони, мм²; δ_M – заррачаларнинг эквивалент ўлчами, мм; C, C_D – заррачаларнинг аэродинамик қаршилиги ва шу хилдаги ҳажмнинг сирт коэффициентлари.

Саноат аэрозоллари дисперсли фазасининг ҳаракатини аналитик моделлаштиришга бир томонлама ёндашиш фақат анча катта заррачаларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Бу йўсиндаги траектория, турбулентланган газ-чанг муҳити томонидан, улар траекториясининг емирилишига олиб

келадиган, майда сочилувчи заррачалар ҳаракатланишининг олдиндан айтиб бўлмайдиган таъсирини назарда тутмайди. Турбулентли чанг-ҳаво оқимларида қаттиқ заррачалар ҳаракатини математик моделлаштириш Монте-Карло усулига мувофиқ амалга оширилади.


Турбулентли пульсацияларда тарқалиш куйидаги боғлиқликлар ёрдамида акс эттирилади:

$$\begin{aligned}x' &= x + l \cos \theta, V'_x = p V_x \cos \theta, \theta = 2\pi \gamma; \\y' &= y + l \sin \theta, V'_y = p V_y, l = -\Delta l n \gamma,\end{aligned}\quad (4)$$

бу ерда θ, l - заррачаларнинг тарқалиш ва кўчиш бурчакларининг ихтиёрий қийматлари; Δl - турбулент пульсация таъсири остида заррачаларнинг ўртача квадратда кўчиши; $p \leq 1$ - сохта тасодифий сонлар $\gamma \in (0; 1)$ нисбий тарқалиш кўрсаткичи.

Ҳавонинг турбулент пульсация таъсири 8-расмда кўрсатилган.

Дисперс фазанинг концентрациялари тақсимоти газли дисперс оқимларнинг муҳим тавсифи ҳисобланади. Заррачалар концентрацияси майдончалари ҳаракатланувчи заррачаларнинг яхлит квази муҳити модели доирасида ўрганилди. Дағал дисперсли аэрочангнинг тўйинганлиги махсус тақсимлаш заррачалар ҳаракатининг траекториялари бўйича «аэрозоль» муҳити узлуксизлиги тенглигини интеграллаш ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.



8-расм. Гидробак фильтрида майда сочилувчи зарраларнинг ҳаракатланиши.

Шунга кўра, ҳаво фильтридаги чанг ва газ оқимининг ҳаракатини таҳлил қилиш учун Эйлер усули олинган бўлиб, карьер экскаваторининг гидравлик тизимидаги гидробак фильтрининг кинематикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, юқорида математик шаклларда келтирилган, газ-чанг аралашмаси

ҳаво фильтри конструкцияларининг ўтказилган саноат синови, акциаль поршенли насоснинг ишлашни яхшилаш бўйича техник ечимлар ҳамда тавсия этиладиган техник ечимларнинг иқтисодий самарадорлиги берилган ва асосланган.

Гидробак ҳаво фильтрининг ишлаб чиқилган янги конструкцияси самарадорлигини аниқлаш мақсадида саноат синовлари ўтказилди. Синов учун НКМК Шимолий кон бошқармасининг Даугызтау конидаги RH-40E маркали гидравлик экскаватор танланди.

TELLUS-68 маркали гидравлик ишчи суюқлиги таркибининг қиёсий таҳлили ўтказилди. TELLUS-68 маркали гидравлик мойининг таркиби таҳлили ўтказилди.

Илмий тажрибалар натижаларига кўра, ишчи гидравлик суюқликнинг ифлосланиши ишлатиш давомийлигига боғлиқлиги белгиланди.

Саноат синовлари натижалари асосида, «Сапун» асосий фильтри ва тавсия этилган янги конструкциядаги фильтрдан фойдаланганда, ишлатиш давомийлигига боғлиқ ҳолда гидравлик суюқлик таркибида кремний сақланганлик салмоғи графиги тузилди. 10-расмда келтирилган жадвалда ҳаволи фильтрни турли хил конструкцияларда ишлатилиши давомийлигига қараб гидравлик суюқликда ифлосланиш миқдори ушбу тавсия этилаётган фильтрнинг қўлланилиши натижасида ифлосланиш даражаси пасайишини кўрсатиб турибди.

Экспериментал тадқиқотлар натижалари ифлосланиш миқдорини аниқлаш учун қуйидаги аналитик боғлиқликни олишга имкон берди.

Ифлосланишни аниқлашнинг умумий формуласи


$$G_{\text{ифл}} = (-41,58 \cdot \ln(t) + 0,218 \cdot t + 244,368) \cdot K$$

бу ерда K - ифлослантирувчи моддалар катталигининг коэффиценти, мос равишда намуналар турларига кўра K коэффицентлари олинади: $K = 0,125$ ва кремний учун $0,215$; $K = 0,042$ ва натрий учун $0,089$; $K = 0,443$ ва калий учун $1,048$; $K = 0,00060$ ва $0,00148$ сув учун; Намуналардан олинган ифлосланишнинг умумий миқдори учун $K = 0,61$ ва $1,39$;

t - гидравлик суюқликнинг иш вақти, соат.

Тавсия этилаётган ҳаволи фильтрни синаб кўриш жараёнида ҳаво оқимини майдадисперсли чанг заррачаларидан тозаланиш даражаси яхшиланганлиги аниқланди. Бу натижа фильтрда чанг заррачаларини ушлаб қолишга ёрдам бераётган мойли қатламни қўллаш ҳисобига эришилади.

